2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

7 (557)

2007 йил 14 февраль

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
- Буюкларимиз ёди юракларга жо
- «Мен етим эмасман!»

3
- «Илк қўшиғимни иймана-иймана куйлаганман...»
- «Лочин» лол қолдирди!

4
- Чўлистонни боғистон этган Қозоқбой ота...
- Шойи қўшиб тайёрланган қоғоз довруғи

Спорт

ШЕРЗОДНИНГ КУЧЛИ ЗАРБАСИ

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ташкил этилган профессионал бокс беллашувларида ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси Шерзод Назаров иккинчи рейтинг жангини ўтказди.

22 ёшли ҳамюртимиз россиялик профессионал боксчи Анатолий Любанскийга қарши рингга чиқди. Тўрт раундга мўлжалланган учрашувни кескин ҳужумлар билан бошлаган Шерзод биринчи раунддаёқ рақибига кучли зарба бериб, нокаутга йўлладди ва баҳсни ўз фойдасига ҳал қилди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ

ЁШЛАР ТУРНИРИ

Жиззах олимпия заҳиралари коллежида кураш бўйича ёшлар турнири бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан икки юздан зиёд полвон иштирок этди.

Муросасиз кечган беллашувларда ёш спортчилар 12 вазн тоифасида ўзаро куч синашди. Якуний ҳисобда бухоролик А.Тангриев, В.Болтаев, самарқандлик А.Тошпўлатов, Ш.Дўстқулов, мезбонлардан Б.Жўраев ҳамда Б.Нахлиев ғолибликни қўлга киритди.

Т.БЕКНАЗАРОВ

ЁШ ТЕННИСЧИЛАР БАҲСИ

Нукусдаги Олимпия захиралари коллежининг спорт мажмуида стол тенниси бўйича Қорақалпоғистон чемпионати ўтказилди. Беллашувда Тўрткўл, Хўжайли, Чимбой туманлари, Нукус ҳамда Тахиатош шаҳарларидан юздан ортиқ спортчи иштирок этди.

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур мусобақада Нукус олимпия захиралари коллежи талабаси Бахтиёр Хонгелдиев, қизлар ўртасида эса Чимбой туманидаги 14-мактаб ўқувчиси Олтиной Ембергенова биринчи ўринни эгаллади.

А.ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Ислом тараққиёт банки ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларини ҳижрий ҳисоб бўйича Янги йил кириб келгани муносабати билан самимий қутлаш менга катта мамнуният бахш этади.

Парвардигордан Сизга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига янада равнақ, тинчлик, хотиржамлик, бутун мусулмон умматига бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва тараққиёт ато этишини сўрайман.

Сиз, Жаноби Олийларини 2007 йилда Осиё қитъасидан Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани муносабати билан чин қалбимдан табриклаш ҳам менга қувонч бағишлайди.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти томонидан (ISESCO) Тошкент шаҳрига ҳақли равишда ушбу мақомнинг берилиши мамлакатингизнинг ислом қадриятларини тиклаш ва ислом маданиятини ривожлантириш борасидаги юксак хизматларининг яна бир яққол тасдиғидир.

Маълумки, Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Тошкент Шарқ ва Ғарб ўртасида савдо, маданият, илм-фан ва таълим соҳаларидаги алоқаларни кенгайтиришда азалдан муҳим ўрин тутиб келган.

Ислом тараққиёт банки Сиз, Жаноби Олийларининг миллий қадриятларни тиклаш ва ўзбек халқининг буюк аждодлари қолдирган меросни асраб-авайлаш борасидаги улкан хизматларингизни юксак қадрлайди.

Мусулмон уммати жаҳон цивилизацияси, хусусан, ислом маданияти ривожига беназир ҳисса қўшган Мовароуннаҳр фарзандларининг — буюк мутафаккир ва олимларининг хизматлари билан ҳақли равишда фахрланади.

Ишончим комилки, ушбу муҳим воқеани нишонлашга бағишланган тадбирлар жаҳон ҳамжамияти учун ўзбек халқининг бой тарихий мероси билан янада яқин танишиш имкониятини яратиб, турли цивилизациялар ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишга, Ўзбекистон халқига эса янада равнақ ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

доктор Аҳмад Муҳаммад Али,
Ислом тараққиёт банки президенти

Баҳор юмушлари бошланди

ЮРТИМИЗДА ЗАМИН БАҒРИ ИЛИБ, ДЕҲҚОН ЮРАГИ ДАЛАГА ТАЛПИНМОҚДА





Ўзбекистон заминида кўклам фасли яқинлашаётганини заҳматкаш бободеҳқонларимизнинг дала-даштга отланишидан ҳам билиш мумкин.

Мана, қишнинг сўнгги ойи қоқ яримлаган айни бир паллада қишлоғу маҳаллаларда иш қизғин. Фермерларимиз, меҳнаткашларимиз кунларнинг илиб бораётганидан фойдаланиб, баҳорги тараддуд юмушларини бошлаб юборишган. Бу йилги ризқу рўзимиз нишоналарини замин бағрига қадашга шай юртдошларимиз экиш мавсуми арафасида ҳар қачонгидан ҳам кўра масъулиятлироқ бўлишлари тайин. Зеро, бугунги уруғ эртанги ҳосил демакдир. Ўз навбатида ўз ҳудудини обод, кўркам этишга бел боғлаган маҳалладошларимиз ҳам ён-атрофни кўкаламзорлаштирмоқдалар.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Ижтимоий ҳимоя йили: йил дастури ижроси — амалда

Тошкент вилояти

ҲАМ МУРУВВАТ, ҲАМ КЕНГАШ...

Янгийўл шаҳрида бўлиб ўтган хайрия тадбирида 600 нафар эҳтиёжманд инсонга саховат кўрсатилди.

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастурида жойларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор вазифалар белгиланган. Хусусан, уларда жойларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа мутасадди идоралар ташкилотчилигида ҳомийларни жалб қилиб, турли хайрия тадбирларини ўтказиш кўзда тутилади.

Шу муносабат билан Янгийўл шаҳридаги "Мадина" ресторанида хайрия тадбири ташкил этилди. Янгийўл шаҳар ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлинмаси ҳамда "Ўткир" хусусий фирмаси ҳомийлигида ўтказилган мазкур тадбирга шаҳардаги 12 та маҳаллада истиқомат қилувчи 600 нафар эҳтиёжманд инсонлар таклиф этилди.

Ҳамшаҳарларимиз тўкин дастурхон атрофига йиғилгач, даставвал Янгийўл шаҳри ҳокими З.Файзуллаев сўзга чиқиб, Ижтимоий ҳимоя йилида бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг, ҳомийлар 600 нафар кам таъминланган оила вакилларига совғалар улашди. Жумладан, "Ўткир" хусусий фирмаси раҳбари Ўткир Маҳмудов ҳамшаҳарларимизга ўз ҳисобидан кийим-кечак маҳсулотлари, 4 та рангли телевизор, 100 нафар қария, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланганларга озиқ-овқат, қандолат маҳсулотлари ҳамда 10 минг сўмдан жами 1 миллион сўм пул маблағи ҳадя этди.

Шунингдек, тадбирда республикамиздаги, вилоятдаги ҳамда Янгийўл тумани ва шаҳридаги идора ва ташкилотлар раҳбарлари ҳам таклиф этилиб, улар иштирокида "Ижтимоий ҳимоя йили" дастури асосида бажарилиши лозим бўлган ишлар хусусида келишиб олинди. Жумладан, "Ўткир" хусусий фирмаси саховати мисолида шаҳарда ҳомийлар кўмагида хайрия тадбирларини ўтказиш режаси маъқулланди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзоси, Республика Фахрийларни қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси раиси Э.Боқибоев, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси А.Аҳмедовлар ҳам сўзга чиқиб, жойларда ҳомийлик ҳаракатини янада жонлантириш лозимлиги ва бунинг аҳамияти хусусида гапирди.

Мамарайим ҚАРШИЕВ,
"Маҳалла" жамғармаси Янгийўл шаҳар бўлинмаси раиси.

СУРАТДА: *Янгийўл шаҳри Мезон маҳалласида яшовчи I гуруҳ ногирони, меҳнат ва уруш фахрийси Рамазон Атаманов оиласи ҳомийлар совғасидан жуда хурсанд бўлди.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

13 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов депутатлар иккинчи ўқишда кўриб чиқишлари учун киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун, "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳалари тўғрисида маъруза қилди.

Мазкур ҳужжатларнинг моддама-модда муҳокамаси чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар парламентга Президент Ислом Каримов томонидан киритилган қонун лойиҳалари Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлганлигини алоҳида қайд этдилар. Бу ҳужжатлар мамлакатнинг давлат-ҳуқуқий ва сиёсий тизимини ривожлантириш, кучли фуқаролик жамияти сари бориш йўлидаги муҳим босқичдир. Давлатимиз раҳбарининг қонунчилик ташаббуси Ўзбекистон Республикасида кўп партиявийлик тизимининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига янгича қудратли туртки бўлди. Қонун лойиҳалари қабул қилингач, сиёсий партиялар, уларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларидаги партия гуруҳлари фаолияти учун ҳуқуқий макон анчагина кенгаяди, мамлакатимизда халқ ҳокимиятчилиги янада ривожланади.

Депутатларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А.Тўхташевнинг Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги маърузаси бўйича депутатлар тегишли қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилдилар ҳамда уни иккинчи ўқишда қабул қилдилар.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси С.Маҳмудов тақдим этди. Депутатлар ҳужжатнинг моддама-модда муҳокамаси чоғида уни янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклифлар ва қўшимчалар киритдилар. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Собиржонов "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 74-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Савол-жавоблар ва батафсил муҳокамадан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулладилар ҳамда уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

"Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси З.Убайдуллаев томонидан тақдим этилди. Депутатлар қонун лойиҳаси бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар ва киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот билан С.Рашидова сўзга чиқди. Муҳокамадан кейин депутатлар Омбудсман ҳисоботини тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилдилар.

/ЎзА/

Mahalla

— Яна нима дейсиз?
— Ерга уруғ қадайдиган палла яқинлашмоқда!

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz
Газета сайтида материаллар ўзбек (лотин графикасида) ва рус тилида берилмоқда.

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайеурган афзал.

Бугун Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

«ЯХШИ КИШИ КЎРМАГАЙ ЁМОНЛИҒ ҲАРГИЗ...»

* * *

Яқинда Янги камолон маҳалласида икки буюк бобокалонимиз — Алишер Навоийнинг 566 йиллик ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 524 йиллик юбилейларига бағишланган маърифий-маданий кеча бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда маҳалла аҳли, ёшлар қатнашдилар.

КЎНГИЛДА ҒУБОР ҚОЛМАДИ...

Шайхонтоҳур туманидаги Янги камолон маҳалласида маданий-маърифий тадбирлар тез-тез ўтказилиб туради. Чунки маҳаллада фаолияти илм-фан, санъат соҳаси билан боғлиқ кўплаб инсонлар истиқомат қиладилар.

Навбатдаги тадбирда ҳам маҳалла ҳудудида жойлашган мактаб ўқувчилари ва боғча тарбияланувчилари Навоий ва Бобур ғазалларини ифодали ўқидилар, саҳна кўринишлари намойиш этдилар.

Тадбирга ташриф буюрган санъаткорлар, мумтоз қўшиқларимизнинг моҳир ижрочилари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Матлуба Дадабоева, Насиба Сатторова ижросидаги Навоий, Бобур ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар оҳангида кўнгиллардан ғуборлар тарқалди. Халқимизнинг атоқли фарзанди, ўзбек мумтоз мусиқасига тамал тошини қўйган намоёндалардан бири, академик Юнус Ражабийнинг фарзанди, Ўзбекистон халқ артисти Ҳасан Ражабий ҳам тадбирда иштирок этди. Маълумки, Юнус Ражабий Навоий ғазалларига куй басталаган, бу ғазаллардан илҳомланиб ижод қилган. Ҳасан Ражабийнинг бу ижодий жараённинг қандай кечгани ҳақидаги ҳикоялари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Ҳофиз ижросидаги Навоий ғазали ва Юнус Ражабий мусиқаси билан айтиладиган "Қаро кўзим" ашуласи тадбирга ўзгача файз бағишлади. Ёш, умидли хонанда Гулзода Худойназарова куйлаган қўшиқлар ҳам тадбир иштирокчилари кўнглидан жой олди.

Тадбир давомида Навоий ва Бобур ижоди ва ҳаётига оид саволлардан тузилган викторина ўтказилиб, зукко ва билимли иштирокчиларга буюк шоирларнинг асарлари совға қилинди.

"Mahalla" мухбири.



ШОИР АСАРЛАРИ — КОМИЛЛИККА ЙЎЛ

Пойтахтдаги Алишер Навоий номли Адабиёт музейининг бир қавати Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодидан ҳикоя қилувчи экспонатлар учун ажратилган. Комил инсон бўлган буюк аждодларимиздан бири, мутафаккир шоирдан авлодларга мерос қолган бебаҳо дурдона асарлар қарийб беш асрдан ортиқ вақтдан бери қадрланиб, эъзозланиб келмоқда. Абадиятга дахлдор бу асарлар келажак авлодлар учун ҳам қимматли мерос бўлиб қолажак.

Бугун Бобурнинг таваллуд айёмида музей айниқса ёшларимиз билан гавжум. Музейга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ташаббуси билан республикамизнинг турли ҳудудларидан ёшлар гуруҳлари ташриф буюришмоқда. Зеро, буюк аждодлар ҳаёти ва ижоди ёшларни комилликка элтувчи йўллардан биридир.

СУРАТДА: *қашқадарёлик бир гуруҳ ёшлар музейда.*

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

БОБУР ҲАЁТИ ЁШЛАР ТАЛҚИНИДА

Тошкент шаҳри Сергели туманидаги Бобур номли маҳалла ҳудудида жойлашган 317-мактабда Бобур таваллудига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Тадбирда ҳар бир синф ўқувчилари шоирнинг асарлари ёки ҳаётий кечинмалари асосида театрлаштирилган саҳна кўринишини ижро этдилар.

СУРАТДА: *адабий кечадан лавҳа.*

Фарғона вилояти

Йил дастури ижроси йўлида

"ЭНГ ОБОД МАҲАЛЛА ГУЗАРИ" КЎРИК-ТАНЛОВИ

Вилоят ҳокими "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, вилоят "Маънавият тарғиботи" маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгашининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ва аҳамиятини ошириш, аҳоли ўртасидаги миллий қадрият ва анъаналарни, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашдаги нуфузини кўтариш, маҳаллаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ривожлантириш, янги маҳалла гузарларини барпо этиш, аҳолини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида "Энг обод маҳалла гузари" кўрик-танловини ўтказиш ҳақидаги таклифларини маъқуллади.

Шу муносабат билан кўрик-танлов Низоми ва шартлари ишлаб чиқилди ҳамда уни ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди.

Кўрик-танловлар уч босқичда ўтказилиб, унинг сўнгги — вилоят босқичи Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида — 25 август куни тантанали якунланади.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичи ғолиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади. Жумладан, биринчи ўринга — "ДАМАС" русумли автомашина (шаҳар, туман учун алоҳида), иккинчи ўринга — "МАТИЗ" русумли автомашина, учинчи ўринга — компьютер жамланмаси берилади.

Бундан ташқари, кўрик-танловнинг вилоят босқичида "Энг обод маҳалла", "Энг яхши маҳалла тадбиркори", "Энг намунали кўча", "Ибратли оила", "Энг обод зиёратгоҳ", "Энг саранжом-сариштa оила", "Менинг маҳаллам — менинг ифтихорим" номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Қодир ШОДМОНОВ, "Mahalla" мухбири.

ИСТЕЪМОЛЧИГА ЭСЛАТМА

«...Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки фойдаланиш, сақлаш ёхуд ташишнинг белгиланган қоидалари истеъмолчи томонидан бузилиши туфайли етказилганини исботласа, у жавобгарликдан озод қилинади.»

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасидан.

Тошкент шаҳри

Йил дастури — амалда

МАКТАБ-ИНТЕРНАТДА МУРУВВАТ ТАДБИРИ

Куни кеча Мирзо Улуғбек туманидаги 105-мактаб-интернатда хайрия тадбири бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти туман Кенгаши ҳамда "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ҳомийлигида ташкил этилган мазкур тадбирда мактаб-интернат тарбияланувчилари ва мураббийлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, маҳалла тизими ходимлари иштирок этди.

Тадбир давомида мактаб-интернатда таълим-тарбия олаётган болажонлар ҳамда ўсмирларга Қизил Ярим Ой жамияти туман Кенгаши ҳамда "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси томонидан ўқув қуроллари, бадиий китоблар ва бошқа совғалар ҳадя этилди.

Шунингдек, хайрия маросимида ўтган Ҳомийлар ва шифокорлар йилидаги самарали фаолияти учун "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси, туман Ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ҳамда халқ таълими бўлимлари Қизил Ярим Ой жамияти туман кенгашининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

МУХБИРИМИЗ

Ҳаракат дастури — амалда!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан 2006 йил 26 декабрда тасдиқланган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007-2008 йилларга мўлжалланган ҳаракат Дастури"га асосан жойларда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари)нинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ва ҳуқуқий билими ҳамда малакасини ошириш мақсадида икки кунлик ўқув-семинар машғулотлари ўтказилмоқда.

ОҚСОҚОЛЛАР ЙЎРИҚ ЎРГАНМОҚДА

Яқинда Хоразм, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида ҳам шундай ўқув-семинар машғулотлари бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирларда ўқув режасига биноан, даставвал Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги "Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир" мавзусидаги маърузаси зангори экран орқали намойиш этилди. Йиғилишларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Тошкент Давлат юридик институти олимлари, Республика Адлия вазирлиги ҳамда "Маҳалла" жамғармаси мутахассислари "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун ижроси, "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини ҳаётга татбиқ этиш жараёни, фуқаролар йиғинлари раисларининг ҳуқуқ ва бурчлари, "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастурининг мазмун-моҳияти каби мавзуларда маъруза қилдилар.

— Вилоятимизда йиғин раислари ўқуви уюшқоқлик билан ташкил этилди. Семинар иштирокчилари машғулотларда фаол қатнашдилар. Негаки, оқсоқолларимиз турли соҳа вакиллари орасидан сайланган. Шу боис, улар маҳалла ишини аввало ўз фаолиятлари давомида ўрганадилар. Қолаверса, бугунгидек ўқув-семинарлар тажриба, билим ва малака ошириш учун йиғин раисларига қулай имкониятдир, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Хоразм вилояти бўлими раиси Р.Қутлимуратов.

Бухоро вилоятида бўлиб ўтган семинар машғулотлари ҳам баҳс-мунозараларга бой бўлди. Тадбир қатнашчиларига қулайлик яратиш мақсадида ўқув тўртта ҳудуд — Бухоро шаҳри, Вобкент, Жондор ва Ғиждувон туманларида ўтказилди. Машғулотларда вилоятдаги мавжуд 528 та фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролар йиғинлари ишини ташкил этиш борасида кейинги йилларда Сурхондарё вилоятида ҳам ижобий тажриба тўпланмоқда. Вилоятнинг Термиз шаҳри, Шеробод, Қумқўрғон ва Денов туманларида ўтказилган ўқув-семинар машғулотлари давомида ушбу жиҳатлар яққол кўзга ташланди. Боиси, вилоятдаги қишлоқ ва маҳалла йиғинлари раислари тадбирда анча фаол иштирок этишди, савол-жавоблар асосида маърузачилар билан қизғин мулоқотда бўлишди.

Дарвоқе, тадбирларда аҳоли бандлиги масаласи, касаначиликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва имкониятлари, фуқаролар йиғинларининг давлат идоралари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатлари, ёшлар билан ишлашда профилактика нозирлари ҳамда маҳалла посбонлари тузилмалари фаолияти, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам билан ишлаш юзасидан йиғин раисларига услубий жиҳатдан кўмак берилди.

Айни пайтда бундай ўқув-семинарлар республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказилмоқда.

МУХБИРИМИЗ

Андижон вилояти

Қарор ва ижро

КАСАНАЧИЛИК ... У БАНДЛИК МУАММОСИНИ ҲАЛ ЭТАДИ

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ишсизлар сонини камайтириш, яъни бандлик муаммосини ҳал этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, жойларда уларнинг ижроси таъминланмоқда. Хусусан, Андижон вилояти, унинг шаҳар ва туманларида ҳам ишсизлик муаммосини бартараф этишга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

— Андижон шаҳрида шаҳар ҳокимлиги ва бўлимимиз томонидан аҳолини доимий иш ўринлари билан таъминлаш, ёшларни бирор касб-ҳунарга йўналтиришга катта эътибор берилмоқда, — дейди шаҳар меҳнат, бандлик ва аҳолини иш билан таъминлаш бўлими бошлиғи Қамарбек Аҳмедов. — Жумладан, шаҳар ҳокимлиги қошида ҳудудда касаначиликни ривожлантириш бўйича ишчи гуруҳи фаолият юритаяпти. Мазкур гуруҳ шаҳардаги йирик корхоналар, мутасадди ташкилотлар ва барча маҳаллаларда йил давомида йиғилишлар ўтказиб, мавжуд бўш иш ўринларига маҳаллий аҳолини жалб қилмоқда. Шунингдек, фуқаролар йиғинлари раислари ва маҳалла фаоллари ҳам ушбу муаммони бартараф этиш бўйича фикр-мулоҳазарини бирдиришмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ўтган йилда шаҳардаги 18 та йирик саноат корхоналари, жумладан, авиамеханика корхонасида 22 та, "Тожметалл" акциядорлик жамиятида 70 та, "Электродвигател"да 35 та, "Андижонполипропилен" корхонасида эса 40 та иш ўринлари ташкил этилди. Жорий Ижтимоий ҳимоя йилида бу кўрсаткични янада ошириш мақсадида шаҳарда фаолият кўрсатаётган йирик корхоналарда қўшимча 600 та янги касаначилик иш жойларини яратишни режалаштирганмиз.

МУҲИМ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Коммунал тўловлардан қарздорликни қисқартириш юзасидан штаб ва ишчи гуруҳининг фаолияти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бажарилиши Булоқбоши туманида ўтган вилоят миқёсидаги семинари кун тартибидаги асосий масала бўлди. Тадбирда жамғарманинг шаҳар ва туман бўлинмалари, шаҳарча ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этди.

Улар дастлаб гуруҳларга бўлиниб, Майариқ ва Булоқбоши қишлоқ фуқаролар йиғинларидаги маҳаллаларда шу соҳада амалга оширилаётган ишлар, эришилган ютуқлар ва ечимини кутаётган муаммолар билан танишдилар. Якуний йиғилишда сўзга чиққан Булоқбоши тумани ҳокими Маъруфжон Раҳимов, жамғарманинг Шаҳрихон тумани бўлинмаси раиси Муҳторжон Отабоев, Андижон шаҳар бўлинмаси раиси Гулбаҳор Турсунова, Асака туманидаги Қоратепа қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Орифжон Турғуновлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинарда сўзга чиққан жамғарманинг вилоят бўлими раиси Ўктамжон Ҳайдаров кун тартибидаги масала ва вилоятда эълон қилинган "Андижонни кўркам ва обод юртга айлантирайлик!" вилоят кўрик-танловини ўтказишда шаҳар ва қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари олдида турган муҳим ишларга тўхталди. Шунингдек, "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви Пленумида қўйилган вазифаларни бажариш йўллари муҳокама қилинди. "Mahalla" газетасига обунада ўрнак кўрсатган Булоқбоши, Хўжаобод туманлари ва Асака шаҳар бўлинмалари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ, "Mahalla" мухбири.

АРЗОН ВА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ

Ош тузи кундалик эҳтиёж учун энг зарур маҳсулотлардан бири бўлиб, аҳолини ана шу сифатли маҳсулот билан таъминлаш айни пайтдаги муҳим вазифалардандир.

Навоий шаҳридаги "Боғчакалон" кичик корхонаси ҳам саломатлик учун фойдали бўлган йодланган ош тузи ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Корхонада тайёрланаётган туз ҳам сифатли, ҳам арзон бўлгани учун унга нафақат Навоий, балки Самарқанд ва Бухоро вилоятларидан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Асосий хомашё Қорақалпоғистон Республикасидаги Мўйноқ туз конидан келтирилиб, корхонада замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида қайта ишланади ва қадоқланади.

Йигирма киши меҳнат қилаётган корхонада бир кунда 8-10 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқарилиб, Жорий йилнинг охирига қадар истеъмолчиларга 600 тоннадан зиёд йодланган ош тузи етказиб бериш кўзда тутилмоқда.

Ёркул УМАР, ЎзА мухбири.

Инсон иродаси

Жиззах вилояти

«МЕН ЕТИМ ЭМАСМАН»

— дейди Зомин тиббиёт коллежи талабаси Дилдора Нурова.

Тақдир Дилдоранинг бошига гўдаклигидаёқ етимлик тамғасини босди. Унинг болалигию ўсмирлиги Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйида кечди. Дастлаб у ота-онасини узоқ кутди, ҳар куни кутди. Мурғак гўдак бўлса-да, кечани тонгга улаб, ота-она дийдорига муштоқ ўтказган кунлари ҳам кўп бўлди. Бироқ... улар келишмади...

Шу-шу Дилдора ота-онаси ҳақида ўйламай қўйди. Аксинча, вақтини бадиий китоб ўқиш, табиатдаги жониворларни кузатиш, рақсга тушиш билан ўтказиб, вояга етганини ҳам билмай қолди. Бугунги кунда у Зомин тиббиёт коллежининг 1-босқич талабаси. Фанларни аъло баҳоларга ўзлаштириш билан биргаликда жамоат ишларида ҳам ташаббускор.

— Мен етим эмасман, мен Ватанимиз, Юртбошимиз ардоғида яшайман, — дейди у ўзига ишонч билан сўҳбат чоғида. — Ўқиш ва яшашим учун коллежда ҳамма шароит муҳайё. Ўқув қуролларим, кийим-бошим ҳеч кимдан кам эмас. Ҳар ойда қўлимга эллик тўрт минг сўмдан стипендия оламан. Кино ёки концертларга боришимга шароит яратиб беришяпти.

Қисқаси, мен ўзимни ёлғиз сезмайман. Айниқса, вилоят касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Насиба опа Мавлонова, бошқарма мутахассиси Зуҳра опа Неъматова, Зомин тиббиёт коллежи директори Ўрозбахт ака Убайдуллаев ҳамда кураторимиз Замира опа Фозилова каби олийжаноб кишиларнинг ғамхўрликларидан доимо бахрамандман. Улар олдида, айниқса муҳтарам Президентимиз олдида ва жонажон Ватаним олдида бурчлиман. Келгусида яхши инсон бўлиб, бу меҳрибонликларга жавоб қайтараман, деб ўзимга сўз берганман.

Дилдора Нурова сўзларкан, унинг сиймосида келажагимизнинг яна бир яратувчиси намоён бўлади. Ота-онадан кўрмаган меҳрни, ардоқни жамиятимиздан, меҳридарё кишиларимиздан кўряпти. Демак, у Ўзбекистоннинг фарзанди. Шунинг учун бўлса керак, — келажакда ҳақиқий инсон бўлишни, уни оёққа турғазганларнинг ишончини оқлашни ўзининг энг олий бурчи деб билади. Давлат уни қарамоғига олмаганида ким билади, тақдири қандай кечарди?!

— Меҳрга зор бўлиш нима эканлигини ҳамма ҳам ҳис қилавермайди, — дейди у ўйчанлик билан. — Вақти келиб оила қурганимда фарзандларимни ҳеч қачон ота-она меҳрига зор қилмайман.

Донагул ЖЎРАЕВА, «Mahalla» мухбири.

Наманган вилояти

"ПОП-ФЕН" ЖАҲОНГА ЧИҚДИ

корхонанинг 93 фоиз маҳсулоти хорижга экспорт қилинмоқда

"Поп-ФЕН" ўзбек-турк корхонасининг ишга туширилиши натижасида кўплаб маҳаллалардаги ёшлар иш билан таъминланди. Ҳозирги кунда бу ерда 440 нафар киши меҳнат қилмоқда. Энг аҳамиятлиси, корхона нафақат вилоятда, балки республика миқёсида ҳам яхши кўрсаткичларга эришиб, унинг маҳсулотлари жаҳон бозорларини ҳам забт этмоқда. Ўтган йил якунларига кўра, "Поп-ФЕН" корхонаси Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компаниясининг махсус дипломи билан тақдирланди.

Корхона 2006 йилда 3 минг 654 тонна килава ип ишлаб чиқариб, режани 111 фоизга уддалади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг асосий қисми Туркия, Россия ва Белоруссия каби давлатларга экспорт қилинмоқда. Экспорт қилинган маҳсулотнинг умумий қиймати 8 миллион 645 минг АҚШ долларига тенг.

— Бу ерга ишга келганимга ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди Мафтуна Ғуломова, — бироқ шу қисқа вақт ичида малакали мутахассислар ёрдамида компьютерлаштирилган замонавий дастгоҳларни бошқаришни ўрганиб олдим.

— Корхонамизда иш уч навбатда ташкил қилинган. Ишчилар кунига бепул овқат билан таъминланади. Бундан ташқари, уларнинг ишга келиб-кетишларига қулайлик яратиш мақсадида махсус автобуслар ажратилган, — дейди корхона директори ўринбосари Раҳимжон Солиев. — Меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилалар ҳолидан тез-тез хабар олиб турамиз. Ўтган йили Мурувват уйига 1 миллион сўмлик ёрдам кўрсатдик. Жорий йилда бу кўрсаткични янада оширишни режалаштирмоқдамиз.

Содиқ САЙҲУН, "Mahalla" мухбири.

Хоразм вилояти

Юз билан юзлашган юртдошларимиз

БУГУНИДАН ҚУВОНГАН МОМО

Ойтўра Панжиева Янгиариқ туманидаги табаррук онахонлардан бири. Айни пайтда у 105 ёшга қадам қўйди. Момони йўқлаб қайтар чоғимизда қўлларини дуога кўтарди:

— Илоҳим, эл-юртимиз тинч, обод, фаровон бўлаверсин. Ҳар бир бандаи мўминни инсоф, диёнатдан айро қилмагай. Ёрбиродарларимиз, фарзандларимизга тани сиҳатлик, сабр-қаноат, туганмас бахт — давлат ато этгай. Юртимизни ёмон кўзлардан Аллоҳнинг ўзи асрасин!

Дуога қўшилиб биз ҳам момога соғлик тиладик. Кўп безовта қилгимиз келмади. Илиқ хайрлашдик. Момо яна яхши ниятлар билан дуо қилиб қолди. Қишлоқ оқсоқоли Озод Абдуллаев йўл-йўлакай Ойтўра момо ҳақида гапириб берди:

— Момомиз асли қашқадарёлик. Тақдир тақозоси билан Хоразмга келин бўлиб тушган. Ҳаётининг гуллаб-яшнаган пайти, айни илк фарзанд кутаётганларида иккинчи жаҳон уруши бошланиб, умр йўлдоши фронтга кетиб, қайтиб келмаган. Шундан сўнг ёлғиз фарзанди Турдиқулни ўзи ҳам ота, ҳам она ўрнида кўп заҳматлар чекиб, камолга етказган. Ўғлини олий маълумотли бўлсин, ҳаётдан ўз ўрнини топсин, деб тунларни кунларга улаган. Момо ана шу орзуси рўёбга ошганидан ҳануз шод. Турдиқул вилоятда кўп масъул вазифаларда ишлади. Ҳозир "Ишонч" банкларо суғурта компаниясининг Хоразм вилояти агентлиги директори.

Ойтўра момо бежизга қишлоғи, маҳалладошлари билан фахрланишини қайта-қайта таъкидламаган экан. Қишлоқ оралаб, одамлар орасида бўлиб, бунга гувоҳ бўлдик. Бағрикенг, саховатли инсонлар кўп экан. Фермер Жуманазар Қозоқов моддий мададга муҳтож, кўп болали оила соҳиби Ғойибназар Абдуллаев фарзандининг никоҳ тўйини ўз ҳисобидан қилиб берибди. Яна бир фермер Олланазар Вафоев беш хўжаликни ун, ёғ, гўшт билан таъминлаб турар экан. Тадбиркор Нормат Матмуродов Истиқлол маҳалласида болалар учун спорт майдончаси барпо этишга бош-қош бўлгани таҳсинга лойиқ. Якка-ёлғиз Холиса Валиеванинг ҳолидан ўзи ишлаган Қори Ниёзий номли мактаб жамоаси тез-тез хабар олиб турибди. Собиржон ака Мадраҳимов узоқ йиллар пахта тозалаш заводида ишлади. Фидойи меҳнати билан кўпчиликка ибрат бўлди. Бироқ тақдир экан — умри охирида ногирон бўлиб қолди. Ўзи ишлаган жамоа унга хорижда ишлаб чиқарилган аравача совға қилди. Тадбиркорлар ташаббуси билан маҳалла гузарида бунёд этилган "Оталар чойхонаси" қишлоқ кўркига-кўрк қўшиб турибди. 20 нафар ногирон боланинг ҳар бирига банкда "Болалар мақсадли омонати" ҳисоб рақами очилиб, унга "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси томонидан маблағ ўтказиб турилади. Зардўзлик, тикувчилик, тўқувчилик бўйича хонадонларнинг ўзида касаначилик билан шуғулланаётганлар сафи кенгаймоқда. Бу каби хайрли ишларда Қурбонбой Бобожонов, Машариф Собиров, Олланазар Назаров, Исмоил Эгамов, Моможон Отажонова, Марямжон Маткаримова, Шуҳрат Абдуллаев каби маҳалла фаолларининг хизмати катта.

— Бундай хайрли ишларни кўриб, эшитиб Ойтўра момо жуда хурсанд, шод бўлади, — дейди Янгиариқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Озоджон Абдуллаев. — Қишлоғимиздан Зулфия номли Давлат мукофоти лауреати бўлган Дилрабо Жуматова Ойтўра момога бағишлаб шеър ёзибди. Бирга бордик. Ўқиб берди. Момо қувонганидан кўзларига ёш олди.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Наманган вилояти

Чуст тумани Ҳисорак қишлоғида жойлашган 25-мактаб ўқитувчилари учун А.Усмонов, М.Исмоилов, Ғ.Ҳомидов, Р.Маҳкамов, И.Ҳалиловдек фермерларнинг ташрифи ҳақиқатан ҳам кутилмаган совға бўлди.

МУЛКДОРДАН МУРАББИЙЛАРГА РАҒБАТ

Қўлларида қимматбаҳо совғалари билан мактабга келган фермерлар мактаб маъмуриятидан энг илғор ва фидойи муаллимларнинг рўйхатини тузиб беришни сўрашди. Фермерлар ёш авлод тарбиясидек машаққатли вазифани сидқидилдан бажараётганликлари учун ўз ишининг фидойиси бўлган устозларга миннатдорчилик изҳор этишди ва ўз совғаларини топширишди.

Содиқ САЙҲУН,
"Mahalla" мухбири.

Самарқанд вилояти

Саломатмисиз, маҳалладош?

ҲАР ОИЛАГА — ШИФОКОР

бу аҳоли саломатлигини мунтазам назорат қилиб боришга имкон беради

— 2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилиниши зиммамизга янада масъулиятлироқ вазифаларни юклайди, — дейди Самарқанд тумани марказий шифохонасининг тиббий назорат гуруҳи раиси, Республика шошилинч тез тиббий ёрдам маркази Самарқанд филиали врач-невропатологи Дилшод Ўрунов. — Шу боис, бугунги кунда Самарқанд тумани миқёсида касалликларнинг олдини олиш, ногиронлар реабилитацияси самарадорлигини ошириш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Бугун аҳолининг малакали тиббий хизматга эҳтиёжи ортгани сари, мутахассислар томонидан уларга хусусий хизматлар ҳам таклиф этилмоқда. Улар маҳаллаларда, оилаларда саломатлик ҳимоячилари сифатида фаолият олиб борадилар. Бу аҳолига қулайлик яратиши билан бирга, уларга сифатли тиббий хизматни танлаш имконини ҳам беради.

Дарвоқе, Дилшод Ўрунов оилавий шифокорлар фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтди. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда йўлга қўйилган оила аъзоларининг саломатлигини мунтазам назорат қилиб бориш имконияти айни пайтда жойларда катта самара бераяпти. Негаки, оилавий шифокорлар маълум бир оила аъзоларининг касаллик тарихини батафсил ўрганадилар. Йиллар давомида орттирилган ёхуд шамоллашдан тортиб, ирсий хасталикларга қадар аниқланиб, уларни даволаш чоралари кўрилади. Энг асосийси, бемор фуқаро оилавий шифокорнинг доимий назоратида бўлади, тез-тез тиббий кўригидан ўтади. Таъкидлаш жоизки, бу саломатликка бефарқлик туфайли, яъни касалликни ўз вақтида даволатмаслик оқибатида келиб чиқадиган турли аломатларнинг олдини олишда кўл келмоқда. Шу билан бирга оилавий шифокорлар соғлом турмуш тарғиботчилари сифатида туғилажак фарзандлар саломатлиги хусусида ҳам ғамхўрлик қилиб, мамлакатимизда соғлом авлод камолотига муносиб ҳисса қўшаяптилар.

Ғайрат САТТОРОВ

Олам турфа

СУНЪИЙ ЙЎЛДОШ ОГОҲЛАНТИРАДИ

Японияда Кобе бандаргоҳи яқинида табиий офатлар ҳақида шошилинч хабар берувчи йирик сунъий йўлдош тизими ишга тушди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра, мазкур тизим рўй бериши мумкин бўлган тошқин, ёнғин, баллистик ракетанинг яқинлашуви ва бошқа кўплаб фалокатларни аниқлаб, узоғи билан йигирма сония ичида хабар тарқатади.

Сунъий йўлдош тизими учун Кобе бандаргоҳи атрофидаги ҳудуд танланганида рамзий маъно бор. Бу ерда 1995 йили кучли ер силкиниши содир бўлган ва беш мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмган эди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, янги тизим сунъий йўлдош алоқаси орқали маҳаллий бошқарув органларидаги қабул қилувчи мосламаларга яқинлашаётган табиий офат ҳақида тезкор хабар беради. Фалокат, масалан, тошқин юз бериши ҳақидаги биринчи маълумот олинганидан сўнг 4-20 сония ичида хавфли ҳудудларда сирена ва радиокарнайлар ўз-ўзидан ишга тушади ва одамлар хавфсиз жойларга яшириниш тўғрисида огоҳлантирилади.

Маълумотларга кўра, янги сунъий йўлдош тизими машқ майдонида синаб кўрилганда, йирик ер ости силкиниши ҳақида шартли сигнал қабул қилинганидан сўнг радиокарнайлар ўз-ўзидан ишга тушган ва аҳолини зудлик билан ҳамма нарсани ўчириб, уйжойини дарҳол тарк этишга ва хавфсиз жойларда йиғилишга чақирган.

Шошилинч хабар берувчи сунъий йўлдош тизимига ҳозирча мамлакатдаги 47 префектурадан ўнтаси уланган. Бу тизим орқали етти хилдаги табиий офат ҳақида олдиндан аҳолини огоҳлантириш имконияти мавжуд. Яқин орада мазкур тизимга ер силкиниши тўғрисида огоҳлантириш тармоғини ҳам ўрнатиш режалаштириляпти. Бу тармоқнинг инфратузилмаси ишлаб чиқилган. У ер остидаги биринчи майда тўлқинларни аниқлайди ва узоғи билан қирқ сонияда огоҳлантириш хабарини беради.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА шарҳловчиси.

Қарор ижроси

Сурхондарё вилояти

ХОРИЖ ФЕРМЕРЛАРИНИ ЛОЛ ЭТГАН "ЛОЧИН"

"Ижтимоий ҳимоя бизнинг ҳам юмушимиз", — дейди деновлик фермерлар

Истиқлол йилларида деновликлар ҳар соҳада илғор эканликларини намойиш этмоқда. Хусусан, туманда мулкдорлар сафи кенгайди. Улар юрт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлида астойдил иш олиб бормоқда. Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, "Лочин" фермер хўжалиги раиси Аҳмад Нарзуллаев, "Афросиёб" фирмаси раҳбари Амри ҳожи Нарзуллаев, "Балхин" корхонаси бошлиғи Турум Мўминов, машҳур фермерлар Баҳром Дилов, Турсунпўлот Мирзаев, тадбиркор Абрай Жўраевлар шулар жумласидан.

Германия, Голландия, Франция, Австрия давлатларидан ташриф буюрган фермерлар Аҳмад Нарзуллаевнинг хўжалигида пахта, ғалла етиштириш омилларига, гўшт ҳамда сутни қайта ишлаб, ундан колбаса, пишлоқ, қаймоқ, сариёғ, зиғир мойи, макарон ва бошқа хил озиқ-овқат ҳамда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнидаги илғор тажрибасига тан бердилар.

Аҳмад Нарзуллаев кўпроқ эл ташвиши билан яшайди. Юртининг обод, кўркамлиги учун куч-ғайратини, маблағини аямайди. Хусусан, фермер маҳалла ўғил-қизларига спорт мажмуаси қуриб берди. Жартепа маҳалласида жойлашган 47-сонли умум ўрта таълим мактаби биносини барпо этишга ҳам йигирма уч миллион сўм маблағ сарфлади. Кенгаш маҳалласидаги қарийб ўн километр узунликдаги кўчаларни таъмирлатди, асфальт ётқизишга бош-қош бўлди. Туман меҳнаткашлари учун йигирма беш ўринли сиҳатгоҳ бунёд этди. Кам таъминланган, ўзгалар парваришига муҳтож кишиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга ўтган йилнинг ўзида икки миллион сўм маблағ сарфлади.

Тадбиркор Амри ота Нарзуллаев ҳам саховатпешаликда кўпга ўрнак. Етмиш ёшни қарши олган Амри ота Гулистон маҳалласида умргузаронлик қилади. У мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида тадбиркорликка қўл урганди. Дастлаб хусусий дўкон қурди. Кейинчалик фаолиятини кенгайтириб, "Афросиёб" фирмасини ташкил этди. Фирмага қарашли иш ўринларида қишлоқ ёшларидан эллик нафари фаолият юритаяпти. Фирманинг гўшт ва сутни қайта ишлаш корхонасида эса юз нафарга яқин киши меҳнат қилмоқда. Фирма ўзининг беш юз бош қорамолига, икки юз эллик гектар ер майдонига эга.

Туман марказида бунёд этилган икки қаватли "Бахт уйи" деновлик ёшларга муносиб совға бўлди.

Кейинги йилларда ҳиммати баланд мулкдорларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли қишлоқ ва маҳаллалар ўзгача тус олмоқда. Бунга Пўлат Остонақулов раислик қилаётган Ҳайробод қишлоқ йиғинини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Қишлоқ йиғини ҳудудида фермер хўжаликлари сони юздан ортиқ. Улар орасида ишбилармонлар, тадбиркорлар бор. Қишлоқ ва маҳалла оқсоқоллари улар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Масалан, Остона маҳалласида газ муаммоси барҳам топди. Бу ишга фермерлар ҳомийлик қилиб, қирқ беш миллион сўм маблағ сарфлашди.

"Султон Санжар" зиёратгоҳи ҳам қишлоқ йиғини ҳудудида жойлашган. Оқсоқол Пўлат Остонақулов, котиби Эрали Эргашевлар мазкур қадамжони таъмирлаш ташаббуси билан чиқишди. Туман ҳокими уларнинг бу хайрли ишини қўллаб-қувватлади. Қишлоқ аҳли эса бош қўшди. Тадбиркорлар, мулкдорлар, фермерлар маблағ билан таъминлади. Мақбарани қайта тиклашга Самарқанд ва Хоразмдан қўли гул усталар жалб этилди. Натижада ташландиқ тепалик ўрнида зиёратгоҳ маскан вужудга келди.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили. Қишлоқ йиғинида бу соҳада кўзда тутилган вазифалар кўлами кенг. 800 оила алоҳида рўйхатга олинган. Улар фермерлар, ишбилармонларга бириктириб қўйилган. Ўтган йили 12 оилага соғин сигирлар тортиқ этилган бўлса, жорий йил бундай мурувватдан баҳраманд бўлганлар сони 25 кишини ташкил этади. Ногиронлардан ўн киши саломатлигини тиклаш учун сиҳатгоҳларга жойлаштирилади. Ночор оилалардан иккитасининг турар-жойи ҳашар йўли билан таъмирланади...

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Ушбу мақолалар Ўзбекистон Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ—24-сонли «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини амалга ошириш жараёни мониторинги».

Маҳалламиз чойхонасига марҳамат!

Р.ШАРИПОВ олган сурат.

Жиззах вилояти

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Жонажон юртимизда инсон манфаатларининг ҳар томонлама ҳимоя қилинаётганлиги кундалик ҳаётимизда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Президентимиз И.А.Каримовнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинганига ҳам бир йил тўлай деб қолди. Ҳамма жойлардаги каби Дўстлик туманида ҳам бу борада кўпгина ибратли ишлар амалга оширилди.

— 2006 йилда 29 та оилага 26,8 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит берилди, — дейди туман меҳнат биржаси раиси Абдурасул Қаршиев суҳбат чоғида. Кредит олган фуқароларнинг барчаси чорва моллари харид қилишиб, чорвачиликни ривожлантиришмоқда. Бу йил эса яна 40 та оилага 21 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит беришни режалаштирганмиз. Бу борадаги ишлар туманимизнинг Ҳамза, Холхўжаев номли, Қаҳрамон маҳалла ва қишлоқ йиғинлари ҳудудида уюшқоқлик билан олиб борилаётир.

Дарҳақиқат, чорвачиликни ривожлантириш давр талаби. Яқинда туманда 25 та кам таъминланган оилага 25 та сигир бузоғи билан хайрия ёрдами сифатида тарқатилди. Йил охиригача яна 95 та сигир тарқатилиб, бу кўрсаткич 120 бошга етказиш мўлжалланмоқда.

Донагул ЖЎРАЕВА,
"Mahalla" мухбири.

"Mahalla"миз меҳмони

"САНЪАТГА ЧАНҚОҚЛИК — ЯХШИ ФАЗИЛАТ!"

— дейди миллий қўшиқчилик санъатимиз намоёндаларидан бири Ортиқ ОТАЖОНОВ

... 1961 йилда Қорақалпоғистоннинг Хўжайли шаҳрида Ўзбекистон ҳунар-техника билим юртларидаги бадиий ҳаваскорларнинг танлови бўлиб ўтган, унда Урганчдаги 26-қурилиш билим юрти қошидаги ҳаваскорлар тўгараги қатнашчиси Ортиқ Отажонов қатнашиб, биринчи ўринни эгаллаганди. Шу танловдан кейин эл орасида "Ортиқ исмли ёш хонанда чиқипти", деган гап тарқалди. Ўшанда санъаткор 14 ёшли ўсмир эди...

Ҳофиз маҳсулдор ва машаққатли катта ижод йўлини босиб ўтди. Шунга яраша эл-юрт олқишини олди, меҳрини қозонди. Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Туркманистон халқ артисти деган юксак унвонларга сазовор бўлди.

Санъаткор билан суҳбатимиз ҳам табиийки санъатга оид бўлди:

— Кўпинча санъаткорларга "Машҳурлик яхшими, ёмонми?" дея савол беришади. Сиз шу саволни қандай қабул қилган бўлардингиз?

— Аслида машҳурлик эл меҳрини қозониш дегани. Санъаткор иқтидори, ижодий меҳнати билан машҳурликка етишади. Санъаткорда иқтидордан ташқари, инсоний фазилатлар ҳам, айниқса, ҳар ишда камтарлик мужассам бўлмоғи даркор. Умуман, машҳур бўлиш санъаткорнинг бош мақсади бўлмаслиги керак. Санъаткор "машҳурлик" деган нисбий даражани эмас, ижодда комилликка эришишни кўзласа дуруст.

— Санъаткор бўлишга интилаётган ёшларимиз бугунги кунда жуда сероб. Бизнингча, уларнинг кўпчилиги ўз ижод йўлини аниқ белгиламай, овозини сайқалламай турибоқ қўшиқчилик даъвосини қилмоқда. Уларнинг бу интилишларини қандай баҳолайсиз?

— Ёшларнинг ҳаракати зўр, улар кеча-кундуз тинишмайди. Ёшларга ижодий йўналиш, тўғри йўл-йўриқ бера оладиган салоҳиятли устоз санъаткорларимиз ҳам кўп, аммо ёшларнинг орасида маслаҳатга қулоқ тутадиганлари кам-да. Ўзи-ўзига матн битувчи, мусиқа ёзувчи ижрочиларнинг қўшиқларидаги саёзликни ҳатто мутахассис бўлмаган киши ҳам сезади. Бир-иккита қўшиқ билан ойнаи жаҳонда кўриниб қўйиб, шу билан ижодий изланмай қўйишмоқда.

Ёки айримларининг саҳнада ўзини тутишини қаранг, бирон ролни ижро этаётган актёрга ўхшайди. Саҳнага чиқибоқ, ҳали ижрони бошламасданоқ томошабиндан қарсак талаб қилади, ўзи ўзига қарсак чалиб, одамларни ҳам шунга ундайди. Аслида ашулачиликнинг расми шундайки, хонанда ашуласини айтади, уни олқишлаш мухлисларнинг ихтиёрида. Ҳатто "Қарсак чалинг" деган ашулалар ҳам чиқди-ей. Олқиш, қарсак сўраб олинмайди, унга сазовор бўлиш керак. Яқинда бир ёш хонанда саҳнада «Хоразм Дугоҳи»ни куйлади. Ашула ярмига келганда залдаги одамларга микрофонни тутиб, ўзича уларни ҳам "куйлатди" — бақир-чақир, тушунарсиз бир шовқин юзага келди, холос. Ахир бу бирон-бир оммабоп лирик ашула эмас, мумтоз қўшиқ бўлса...

Айрим ёш хонандаларимизнинг яккахон концертларида ашулачига тўн кийғизиш одатга кирди. Концерт давомида санъаткор залда ўтирган онасининг олдига тушади, у билан кўришиб, унинг қошида ашула айтади, дуосини олади. Нима, у онасини уйида кўрмайдими, концертга келишдан аввал, умуман, кунда-кунора дуосини олмайдими? Ёки саҳнадан туриб залда ўтирган таниш-билишлар билан сўрашиб қўйишадими-ей! Одамлар, айниқса, санъаткорнинг таниш-билишлари ижронинг ўртасида ҳам саҳнага гул олиб чиқиб, қўшиқчини ўпиб-қучаверади... Энг ачинарлиси, ўша санъаткорлар "Бундай қилманг, қўшиқ ижросига халақит қилаяпсиз", демайди, бу ҳолдан ўзича мамнун бўлади. Ахир бу залда ўтирган мухлисларга нисбатан беҳурматлик эмасми?

— Замонавий ўзбек қўшиқчилиги муаммоларидан бири — матн саёзлиги. Баъзан ашулачилар мумтоз қўшиқларимиз сўзларини ҳам бузиб талаффуз қилишади...

— Классик ашулаларнинг сўзи тўғри ва тўлиқ талаффуз қилиниши хонандага қўйиладиган асосий талаб. Ашуланинг сўзи бир марта бузиб куйланса, кейин бунинг олдини олиш қийин бўлади. Масалан, Хоразм "Лазги"си, "Баригал" қўшиқларининг сўзи бундан йигирма йилча аввал бир хонандамиз томонидан ўзгартириб айтилганча, ҳамон шундай куйланиб келмоқда. Яна бир сабаб, ёш хонандаларимизнинг ғазалхон эмаслиги. Ғазал матнини китобдан ёд олмоқ, сўзларнинг маъносини уқмоқ керак. Раҳматлик устозимиз Комилжон Отаниёзов қўшиқ сўзини беҳосдан хато айтиб қўйсак, қаттиқ дакки берардилар. "Сўз маъносини уқмасдан куйлама. Уни биттувчи ҳаёт бўлса, ўзидан сўраб кўр, бўлмаса китобдан албатта топиб кўр" деган насиҳатлари ҳамон қулоғимда.

Менимча, ойнаи жаҳондан мумтоз қўшиқлар берилганда, қўшиқнинг сўзини экран остида титрларда ҳам узатилса яхши бўларди.

— Санъаткор сифатида элга танилишингизда ўзбек қўшиқчилик санъати дарғаси Комилжон Отаниёзовнинг ўгитлари асқотганини биламиз. Сиз у кишининг севимли шогирди бўлгансиз, деб эшитганмиз...

— Устоз Комилжон ака барча шогирдларига талабчан ва меҳрибон эдилар. Ўгитлари ҳамиша ўринли ва бебаҳо эди. Шундай инсонга шогирд бўлганимни тақдирнинг менга катта тухфаси, деб биламан. Ўн етти ёшимда у кишига рўбарў бўлганман. Машқимни тинглаб, "Ёниб турган ўт-ку бу" деган эканлар. Кўп йиллар у кишига ҳамнафас бўлиш менга насиб этди. Афсуски, бедаво дард туфайли Комилжон ака анча ёш дунёдан ўтдилар. Лекин ҳаётларининг сўнгги онларида ҳам қизғин ижод қилдилар. Ойнаи жаҳондан берилган сўнгги концертда мен устоз ёнида туриб тор чалганман. У пайтда фонограмма деган нарса йўқ, қўшиқлар фақат жонли ижро этиларди. Экранда устознинг фақат юзию, менинг тор чертган қўлларим кўрсатилди. Чунки хасталик туфайли устознинг қўли тор чалишга ожизлик қилиб қолганди. Ўша дамда қалбимда севинч ва ўкинчни туйганман. Севинчим, буюк санъаткорга созда жўр бўлиб турганимдан, ўкинчим эса бутун умрини, қалбини санъатга бағишлаган инсоннинг умрига хасталик чанг солганидан эди. Шундай қийин шароитда устоз бир соатдан кўпроқ баралла куйладилар. Устознинг бу заҳматлари санъатга, мухлисларга фидойилик намунаси бўлган.

— Болалик пайтингизни эслаганингизда хотирангизда нималар жонланади?

— Болалигим Хоразм вилояти Боғот туманидаги Пахтакор қишлоқ йиғини таркибидаги Хитой қишлоғида кечган. Қишлоғимизнинг бундай номланишига сабаб, қадимда бу ер Хитойдан йўлга чиққан савдогар карвонларнинг қўниш ери бўлган экан. Отам Отажон Шермат ўғли балиқчи-овчи сифатида танилган бўлса-да, санъатга кўнгли ошуфта киши ўтган. Онам Чинни Матчон қизи халфаликдан (халфа — Хоразмда шоира, созанда, ва ашулачи хотин-қизлар. — ***М.Қ.***) хабардор аёл эдилар. Дутор чалишни тоғам Жумабой телпақдўздан ўрганганимда чамаси олти ёшларда эдим. Отам раҳматли: "Ўғлим, инсоннинг юрагидаги энг оғир дардга фақат қўшиқ малҳам бўла олади", — дердилар. Илк бор даврада қўшиқ куйлаганим — уйимизга меҳмон келганда отамнинг истаги билан "Найралам" қўшиғини ийманиб-ийманиб айтганим бўлган.

— Ортиқ ака, ушбу йилнинг январида 60 ёшга тўлдингиз. Сиз шу кунларда ҳам юртимизнинг турли жойларида эл хизматида юрдингиз...

— Умримнинг эл хизматида ўтган ҳар бир куни мен учун улуғ кун. Ҳаёт йўлимда бу довондан ўтганимни ёру дўстлар билан нишонлаш ҳам яқин кунлар режасида бор.

— Мустақиллик юртимизга, юртдошларимизга инъом этган имкониятларни нималарда кўрасиз? Айни кунда биз билан ҳамнафас яшаётган замондошларимизга тилакларингиз қандай?

— Мустақилликнинг илк йилларида одамларимиз бизлар учун бу қандай буюк неъмат, мамлакатимиз истиқболи учун қанчалик даражада улуғ имконият эканини ҳали тўлиқ англамас эдилар, меникча. Мана, бугунги кунга келиб, бу имкониятларнинг самараси юз кўрсата бошлади, энди замондошларимиз унинг мазмун-моҳиятини теран англамоқдалар. Мен "Ўзбекистон халқ артисти" деган юксак унвонга истиқлолнинг дастлабки йилларида санъаткорлар орасида энг биринчи сазовор бўлиб, шахсан Президентимизнинг қўлларидан қабул қилишдек юксак шарафга муяссар бўлганман.

Минг шукрки, юртимиз тинч, атрофдаги одамларни кузатсангиз, ҳар бири бир юмуш билан банд, илгари интилади. Ниятим — эл-юрт равнақи учун жон куйдирадиган кишилар янада кўпайсин, Юртбошимиз бошлаган ва бош-қош бўлган ислоҳотлар амалга ошаверсин, кўз тикканларимиз — ёш ўғил-қизларимиз келажакда бугунги эзгу орзу-ниятларимизни рўёбга чиқаришсин. Санъатсевар, оққўнгил, меҳнаткаш халқимиз омон бўлсин!

Мавлуда ҚОСИМОВА суҳбатлашди.

УЧ ҚИЗАЛОҚЛИ ОЗОДАХОН

Аллоҳнинг иродасини қарангки, Ёзёвон тумани Ҳамза номли маҳаллада яшовчи Озодахон Пўлатова шу йил 25 январь куни уч қизалоқнинг онасига айланди. Бувижониси Рўзихон ая, дадаси Расулжон ва қариндош-уруғларнинг хурсандлигини айтмайсизми...

Озодахон ва онаси Рўзихон ая Фотима, Зуҳра, Заҳролар билан.

Туман соғлиқни сақлаш бўлимининг туғруқхона бўлими мудираси Мавлудахон Файзуллаева, доя Маҳфузахон Озодахоннинг ва учала қизалоқнинг саломатлиги учун бор билим ва тажрибаларини ишга солишади.

Ҳозирда чақалоқлар уйда алоҳида биркитилган ҳамшира Мавлудахон Ўринбоева назоратида парвариш қилинмоқда. Эгизакларга Фотима, Зуҳра, Заҳро дея исм қўйдилар.

Бахтиёр ЖОЛЧУЕВ

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги олдидан

«САМАРҚАНДГА ХОС НАРСАЛАРДАН БИРИ...»

Самарқанд ўрта асрлар даврида ҳунармандчилик, савдо, фан ва маданиятнинг йирик маркази бўлган. Ҳунармандчиликнинг энг муҳим тармоқларидан бири эса ёзув қоғози ишлаб чиқариш эди. Самарқанднинг турли нав қоғози минг йилдан кўпроқ вақт мобайнида, яъни VIII аср ўрталаридан, айрим маълумотларга қараганда VII аср охирларидан то XIX асрнинг иккинчи яримларигача Ўрта Осиёдагина эмас, Яқин ва Ўрта Шарқда, шунингдек, Европада ҳам маълум ва машҳур бўлган. Самарқанд VIII аср ва IX асрнинг биринчи ярмида Яқин ва Ўрта Шарқда қоғоз ишлаб чиқарувчи ягона йирик марказ эди.

1933 йили Тожикистондаги Муғ тоғидан VIII аср қоғозига ёзилган ҳужжатларнинг топилиши шундан далолат беради. Шундай қилиб, VIII асрдан бошлаб Самарқанд қоғоз тайёрлаш соҳасида бутун дунёга танилди.

Яқин ва Ўрта Шарқда қоғоз ишлаб чиқаришнинг яна бир маркази IX асрдан бошлаб Бағдод, X аср охиридан эса Қоҳира бўлди.

Милодий XI-XII асрларда Европада ҳам қоғоз ишлаб чиқарила бошлади. Бағдодлик ва мисрлик қоғоз ишлаб чиқарувчиларнинг устози самарқандлик усталар бўлган. Ўша даврларда Бағдод, Қоҳира, шунингдек, Европада ҳам қоғоз ишлаб чиқарилишига қарамай, Самарқанд қоғози сифатлилиги, айниқса, нафислиги билан афзал саналган.

Бу хусусда Султон Али Машҳадий, Ибн ал-Фақиқ, Абу Мансур Саолибийларнинг ёзма манбаларида маълумотлар битилган.

Жумладан, Абу Мансур ас-Саолибий "Самарқандга хос нарсалардан бири унинг қоғози бўлиб, у Миср қоғозидан устун туради. Бу қоғоз жуда чиройли, нозик, нафис ва ёзиш учун жуда қулайдир", деб ёзади. Бундан ўн аср аввал яшаб ўтган Миср вазири Абул Фадл Ибн ал-Фурат ўзининг китоб кўчирувчи хаттотлари учун йилига Самарқанддан қоғоз келтириб беришни буюрар экан. Машҳур хаттот Султон Али Машҳадий хусни хатга оид махсус рисоласида Самарқанд қоғозига ёзишни маслаҳат беради, чунки бу қоғозга ёзилган хат текис ва чиройли чиқади. Амир Темур ҳукмронлиги даврида ҳам ҳунармандчиликнинг энг муҳим тармоқларидан бири ёзув қоғози ишлаб чиқариш бўлган.

Тарихий маълумотларга кўра, Самарқанд шаҳри яқинидаги Қорасув ариғи соҳилида қоғоз ишлаб чиқарадиган махсус обжувоз ва корхона бўлганлиги маълум. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Самарқанд қоғозига юқори баҳо бериб, "Оламда яхши қоғоз Самарқанддин чиқар. Жувози қоғозлар суйи тамом Конигилдан келадур.

Конигил Сиёҳоб ёқасидадурким, бу Қора сувни Оби Раҳмат ҳам дерлар", деб ёзган эди. "Самарқанд Султон қоғози" ва "Самарқанд шойи қоғози" деб аталган қоғоз навларининг айниқса харидорлари кўп бўлган. Сабаби, бу қоғозлар ғоятда нафис ва силлиқ бўлган. Қоғозларнинг ранги ҳам бир неча хил бўлган — оч сариқдан то жигарранг тусигача. Оқ ёки оқиш рангдагиси олий нав қоғоз саналган. Самарқанд қоғози уч навли бўлган. Биринчи нави "Қоғози абрешимий" деб юритилган. Қоғознинг бу нави ўта силлиқ, ялтироқ, туси сарғиш бўлиб, шойи чиқиндилардан тайёрланган. Иккинчи нави — нимшойи қоғоз бўлиб, бу шойи чиқиндисига каноп толаси қўшилиб тайёрланган. Шунинг учун ҳам "Нимканоп", яъни ярим каноп толали қоғоз деб юритилган. Учинчи хили — ипгазлама чиқиндиси, латта қолдиқларидан ишланган. Ўрта асрларда Самарқанд қоғозининг сифати унга довруғ келтирди, кейинги асрларда ҳам қоғоз ишлаб чиқариш даражаси юқорилигича қолаверди.

Кўҳна асрлардан бизгача етиб келган Самарқанд қоғозига битилган қўлёзма асарлар фақат нафис ёзуви билангина эмас, балки қоғози билан ҳам ажралиб туради.

XIX асрнинг 60-йилларида Туркистон ўлкаси шаҳарларида бўлган венгериялик сайёҳ Вамбери "Самарқанд, айниқса VII-VIII асрларда қоғоз ишлаб чиқариш бўйича машҳур бўлган, бу ердан турли мамлакатларга кўплаб миқдорда қоғоз олиб кетилган", деб ёзганди.

Қадимий китобларда нақл этилишича, IX-X асрларда яратилган минг-минглаб араб ва форс тилидаги қўлёзмалар худди мана шу машҳур Самарқанд қоғозига битилган экан. Самарқанднинг олий нав қоғозлари Эрон, Ҳиндистон, Туркияга ҳам чиқарилган.

Мутахассисларнинг ёзишича, 1715-1720 йилларда Қўқон, Бухоро ва Тошкент шаҳарларида ҳам қоғоз ишлаб чиқариш корхоналари иш юритган. Самарқандда тайёрланган қоғозларга Россияда ҳам талаб катта бўлган. XVIII аср охирларида сифатли қоғознинг бир пуди Самарқандда 45-55 сўм турса, Оренбургда 80 сўмга баҳоланган. Самарқанд ҳунармандлари — қоғоз усталари XIX асрнинг ўрталарида ҳам сифатли қоғоз ишлаб чиқарганлар. Тарихий материалларда 1869 йилда Самарқанд шаҳри ва унинг атрофларида қоғоз маҳсулотлари ва қоғоз ишлаб чиқарувчи 42 та устахона борлиги кўрсатилади.

XIX асрнинг ўрталарига келиб, Самарқандда қоғоз ишлаб чиқариш суръати ҳам, қоғоз сифати ҳам астасекин пасаяди. Ва ниҳоят маҳсулот ишлаб чиқариш узил-кесил тўхтагач, Туркистонда қоғоз ишлаб чиқариш марказ Қўқонга кўчади.

Қўқондан чамаси 2-3 километр нарида жойлашган Қоғозгар ва Чорку қишлоқларида ташкил этилган қоғоз устахоналари 200 йилдан ортиқроқ давр ичида фаолият кўрсатиб келган.

Қўқонда қоғоз ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, устахоналарни ташкил этган ҳунармандларнинг сўнгги авлоди — уста Убайдулло Орипов ва уста Марозиқ Эшон Маяқубовлар бўлишган. Қўқонда ҳам қоғоз тайёрлашда эски матолар, латта, чакмон, кўрпача, кўрпа ва бошқа эски материаллардан фойдаланилган, кейинчалик, XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, пахта толаси қоғоз тайёрлашда асосий хомашё ҳисобланган.

Қоғоз тайёрлашда зарур бўлган хомашёни ювиш ҳамда обжувозларни юргизиш эҳтиёжидан келиб чиқиб, обжувозлар оқарсув — дарё ва ариқ бўйларида жойлашган. Қўқонда қоғозгарлар бир кунда 300 варақдан 500 вараққача, бир ойда 16 боғ, яъни 3840 варақ, икки уста эса бир йилда 150 минг варақ нафис ва сифатли қоғоз тайёрлаган. Ўша вақтларда Қўқонда тайёрланган қоғозлар туяларга ортилиб, Афғонистон, Бадахшон, Хуросон, Қашқар, Ҳиндистон ва Туркистон ўлкаларига ва шаҳарларига пешма-пеш жўнатилиб турилган. Бу ерларда Қўқоннинг тиниқ, силлиқ, нафис, сувда ивимайдиган ва йиртилмайдиган қоғозига харидор кўп бўлган. Бухоро амирлари Қўқон қоғозидан пул зарб қилдирган.

Қўқон қоғозига маҳаллий шарқ қўлёзмалари, турлича мазмун ва қимматга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар — хон ва амир ёрлиқлари, васиқалар ёзилган.

Бизнинг давримизгача сақланиб келган ноёб китоблар Қўқон қоғозига кўчирилганлиги ва узоқ вақтлар сифатли сақланганлиги маълум. Бундай нодир қўлёзма асарлар, китоблар ҳозирда Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

Самарқанд вилояти

ФАРҲОДни ҲОМИЙЛАР ОБОД ҚИЛМОҚДА

Самарқанд шаҳридаги Фарҳод шаҳарчасини вилоятдаги саноати ривожланган масканлардан бири дейиш мумкин. Чунки бир қатор йирик қўшма ва 20 дан зиёд кичик корхоналар айнан шу ерда жойлашган.

Бу корхоналар нафақат мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятига, балки унинг ободончилиги, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Чунончи, шаҳарчадаги Чўпон ота, Бунёд, Ширин маҳалларида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, турли байрам тадбирларини ўтказишда, маҳалла ёшлари учун бепул компьютер курсларини ташкил этишда ҳам мазкур корхоналар яқиндан ёрдам кўрсатаяпти.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Профессионал бокс

АРТУР ГРИГОРЯН — ЭНДИ МУРАББИЙ

Ўзининг қизғин ва муросасиз жанглари билан нафақат ўзбекистонлик, балки бутун дунёдаги миллионлаб бокс мухлисларининг меҳрини қозонган ҳамюртимиз Артур Григорян ўз фаолиятини профессионал боксчилар мураббийси сифатида давом эттирмоқда. Жумладан, Бутунжаҳон бокс Кенгаши (WBC) йўналиши бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлган россиялик боксчи Денис Бойцовнинг мураббийларидан бири ҳам Артур Григоряндир.

20 ёшида 17 та жанг ўтказиб, барчасида ғалаба қозонган ва шулардан 16 тасида рақибларини нокаут ҳолатига туширган Дениснинг фаолиятида бой тажрибага эга бўлган Артурнинг маҳорати қўл келмоқда. Украиналик ака-ука Кличколардек машҳур боксчиларни дунёга танитган Гамбургдаги "Универсум" промоутерлик компаниясининг ёш боксчига мураббий сифатида айнан ҳамюртимиз А.Григорянни танлагани бежизга бўлмаса керак. Чунки Артурнинг жаҳон боксидаги ўрни ҳаммага маълум.

Ибратли оила: ундан нимани ўрганамиз?

Фарғона вилояти

"ЕРНИНГ УМРИНИ ЗОЕ ҚИЛМА!"

Чўлистонлик Қозоқбой отанинг барчага ўгити шундай эди

Ёзёвон туманидаги Чўлистон қишлоғилик ёши саксонни қоралаб бораётган Ўлмасхон бувининг ним пушти юзини анча-мунча ёшлар ҳам ҳавас қилишади. Назаримда, бу тиниқлик онахон қалбини ёритаётган туйғулардан нур олаётгандек. Чунки у чин аёллик, оналик саодати бағрида яшади. Уни шундай бахтга муяссар этгани, Қозоқбой отадек инсонга тақдирини боғлагани учун Яратганга шукроналар қилади.

Яхши хотиралар ҳам мисоли ярим дийдорга ўхшайди. Ўғил-қизлар жам бўлганда, асосий суҳбат мавзуи оталарининг ибратли ишлари, ўгитлари ҳақида бўлади.

Қозоқбой ота иккинчи жаҳон урушидан ногирон бўлиб қайтганди. Уни колхоз омборига мудир қилиб қўйишади. Бир ҳафта ўтмай, бу вазифани топшириб келганини айтади: халқнинг ризқини еб қўйишим мумкин.

— Энг беминнат, ҳалол ризқ ерда ундирилади, деб чолим ерни ардоқларди. Ўзиям тинч турмасди, болаларниям бекор юришига йўл қўймасди. "Ерни тозала, битта ёввойи ўтни юлиб ташласанг ҳам — фойда", деб уқтирарди.

Бу ҳовлида ота ўрнатиб кетган тартибу яхши удумлар ҳамон қадрли.

— Дадам билан бирга ҳар куни далага борардик, — деб эслайди Ўктамхон Солиева. — Шомда қайтаётганимизда кўп қизлар кетмонларини шийпонга ташлаб келишарди. Лекин дадам кетмонни доим уйга олиб келишимизни, йўлдаги ариқда ярақлатиб ювиб олишимизни тайинлардилар. "Кетмон билан ризқ йўли очилади, уни ҳар хил жойга ташламанглар, ифлос турмасин. Шундай бўлсинки, агар зарур бўлиб қолса, кетмонингга ош солиб ейиш мумкин бўлсин", дердилар отам.

Ўтган йили мана шу чўл зонасида жойлашган Чўлистон қишлоғимиздан бориб республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган "Аёл — баркамол авлод" кўрик-танловида қатнашдим, — суҳбатни давом эттиради Ўктамхон. — Танловда биринчи ўринга сазовор бўлдим. Эътирофга лойиқ бирон иш қилган бўлсам, бу — ота-онам берган тарбиянинг, қайнона-қайнотам, умр йўлдошимнинг ғамхўрликлари натижасидир.

Отанинг фарзандлари ҳаётда бахту обрўни энг аввало меҳнатсеварликлари билан топдилар.

— Омборхона мудирлигини топшириб келганларидан кейин пахтачилик бригадасига бошлиқ қилиб қўйишди, — ҳикоясини давом эттиради Ўлмасхон буви. — Каттаю кичикка жуда меҳрибон, айниқса, кўнгли яримта одамларни ўкситмасликка уринарди.

Нишонхон деган аёлнинг қўл-оёқлари туғма калта, ишлашга қийналарди, лекин ширадор чиройли овози бор эди. Қозоқбой бригадир уни далага киритмас, "Сиз эгатда қўшиқ айтиб ўтиринг, шунда одамларнинг меҳнати унумли бўлади", дерди. Ёш болали, ҳомиладор аёллар учун иш меъёрини кам белгиларди.

Хонадонидан қишин-ёзин мева аримасди. Ҳовлида етишган мевалардан саралаб, салқин хоналарга авайлаб териб, илик узилди пайтлари учун асраб

Ўлмасхон буви набираси билан

қўйишарди. Ҳатто баҳор арафасида Қозоқбой ота қўни-қўшниларга узум чиқарарди.

— Қишлоқда биринчи бўлиб "Жигули" русумли машина олгандик, — деб сўз бошлайди катта ўғил Алишер. — Дадам менга: "Агар машинанинг бензини бўлмаса, қуруқ темирдан фарқ қилмайди. Шунинг учун у доим бензини билан турсин. Маҳалладан кимнидир шифохонагами, туғруқхонагами олиб бориш керак бўлиб қолса, ҳар қандай ишингни ташлаб, дарров ёрдам бер", деб тайинлардилар.

— Болаларим ориятли бўлиб ўсишди, чолим шундай тарбиялади-да! — Ўлмасхон буви ҳар бир фикрини умр йўлдошига миннатдорчилик билан бошлайди ёки хулосалайди. — Мана, замон ўзгариб, мустақиллик бўлиб, бутун қишлоқ аҳли тадбиркорга айланяпти. Менинг чолим ўша замонларда ҳам ишбилармон эди, тўғри, уни қўллаб-қувватлайдиган ҳукумат бўлмади. Эрта баҳордан то кузгача бир парча ернинг умрини зое қилмай, ҳар хил сабзавотлар экардик. Чолимнинг кўкрагидан урушда ўқ тешиб ўтгани учун, ўзимиздан чиққан маҳсулотларни мен бозорга олиб бориб сотиб келардим. Раҳматли, ажойиб эдида! Биринчи марта бозорга кетаётганимда, ўзи тошторозуни тайёрлаб, тошларнинг оғирлигини текшириб, посангиларигача тўғрилаб берганди. Яна менга: "Доим ёдингда бўлсин, агар пулни эъзозлаб, зиқналик қилсанг, бошинг хор бўлади. Ўз бошинг азиз бўлиши учун емоқ-ичмоқдан, яхши жойда ўтириб-турмоқдан, чиройли жойларда дам олмоқдан пулни аяма", дерди.

Бу хонадонда улғайиб тарбия топган саккиз қизнинг бирортаси маҳалладан, она қишлоқдан ташқарига чиқмади, қўни-қўшнилар уларни ёшлигидан кўз остига олиб юришаркан, вояга етди дегунча, харидор бўлишди. Қудалар ҳамон келинларини тарбиялаган Қозоқбой ота ва Ўлмасхон бувига раҳматлар айтишади.

— Чолимнинг китобларга меҳри бошқача эди. Бир куни битта қўйнинг пулига "Анбиёлар қиссаси"ни олиб келганди. Худо раҳмат қилсин, ўзи бир бошқача дунё эди-да! Касал бўлса, ҳеч кимга кўринмасди, нохуш кайфиятини бошқаларга юқтиришни истамасди. Вафотидан олдин бир ҳафтагина ётди, болалари ҳамма ишини ташлаб югуриб келишди, лекин уларни ўша заҳоти уй-уйларига жўнатиб юборди. Ёнига ўзимдан бошқа ҳеч кимнинг киришига рухсат бермади. Кейин ўғил-қизларини йиғди-да, рози-ризолик сўраб, дуо қилди — тамом. Шунгаям ўн беш йил бўлибди. Лекин мен чолимдан кейин ҳам унинг йўл-йўриғидан чиқмай яшаяпман. Ҳамма гапи, ишлари тўғри эди-да!

Муҳтарама УЛУҒ,
Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.

2007 йил 5 февраль куни Тошкент шаҳрида кўз касалликлари шифохонаси ёнидан оқ "Матиз" автомашинасига ўтириб "Беруний" метро бекатига тушиб, ўзимга тегишли ҳужжатларни ўша машинада қолдириб кетганман. Уларни маълум рағбат эвазига қайтаришингизни сўрайман.
Тел: 133-79-69, 100-71-09, 54-29-45.

Тошкент шаҳри Ҳамза тумани "NURAFSHON KOMMUNAL" уй-жой мулкдорлари ширкати "NURAFSHON KOMMUNAL" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига айлантирилмоқда. Даъволар эълон чиққан кундан эътиборан 2 ҳафта мобайнида қабул қилинади. Тел: 196-35-11

Тошкент Ахборот Технологиялари Университети томонидан Алиев Шарофиддин Ҳамроқулович номига берилган Т 42111-сонли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ООО "PROFEE-BIZNES-XAVFSIZLIK-XIZMATI" зарегистрированное в Мирзо Улугбекским районе 25 сентября 2003 года. (Код по ОКПО 19234284, ИНН 204677099) ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации по тел: 137-04-01

Утерянный аттестат о среднем образовании U № 1548428 выданный 2006 г. школой № 191 С.Рахимовского района на имя Эльмурадова Бахтиёра Талибжановича считать недействительным.

Утеренная круглая печать выданное Хамзинским районом на ЧП "Рахимова Сохибахон Абдуллаевна" считать недействительным.

Утеренную чековую книжку выданный банком Ипак йўли филиал Урикзор на ЧП "Мавлянова Х." (р/с 20218000804283019001) считать недействительным.

Утерянный диплом 481062 (рег. номер 379) выданный 1968 году Ташкентским мед.училищем им.Жуковского на имя Атаярова Дана считать недействительным.

Утерянный план частного дома № 13105 выданный 1985 г. по адресу г.Ташкент, Гулистан 10, выданный на имя Сайдалиева Гани считать недействительным.

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани Кўнчилар кўчаси 11-уй марҳум Сахаев Исога тегишли ҳовли-жой режаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утеренная круглая печать выданное на ЧП "Убайдуллаев Нурдин Хабибиллаевич" Бектемирского района считать недействительным.

МУҲАББИЛАР ТАҚВИМИ

КЎЙ (21.03-21.04)
Ушбу ҳафтада ҳаётингизда сезиларли ўзгаришлар содир бўлиши кутилмоқда. Бунга сиз кутмаган инсонлар сабаб бўлиши мумкин.

СИГИР(22.04-20.05)
Шу кунларда аввал йўл қўйган хатоларингиз катта муаммоларни юзага келтириши эҳтимоли бор. Ҳафта якунида хушхабар эшитасиз.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Айни кунларда юзага келадиган вазиятлар сизнинг ҳаётга бўлган қарашларингизни бироз ўзгартириши мумкин.

ҚИСКИЧБАКА (22.06-22.07)
Ҳафта давомида қизиқарли учрашувлар ва турли тадбирларга таклиф қилишлари мумкин. Уларга берилиб ишингизни унутиб қўйманг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Ушбу ҳафтада кўчмас мулк, кредит билан боғлиқ муаммоларингизни ҳал қилмасдан, уларни кейинроққа қолдирганингиз маъқул.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Шу кунларда режалаштириб қўйган харидларингизни амалга ошириш учун қулай имконият туғилади. Болалар тарбиясига кўпроқ вақт ажратинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Ҳафта мазкур бурж вакиллари учун турли можароларга бой бўлиши кутилмоқда. Аммо буни тинчлик йўли билан ҳал қилиш мумкин.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Кўпдан буён режалаштириб юрган ишларингизни амалга оширишда ўзгалар ёрдамига таянмасдан, ўз салоҳиятингизни баҳолаб иш юритинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Ҳафтанинг биринчи ярмида соғлиғингизга бефарқ бўлманг. Акс ҳолда бу турли асоратларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Шу кунларда узоқ сафарга чиқишингиз мумкин. Шанбада молиявий жиҳатдан муаммолар юзага келиши эҳтимоли бор.

КОВҒА (20.01-18.02)
Айни кунларда янги мақсадлар сари дадил қадам ташлашингиз мумкин. Бирор ишни бошлашда таваккал қилишга одатланмангингиз маъқул.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Ишга совуққонлик билан ёндошишингиз ҳамкасблар билан муносабатда турли зиддиятли вазиятларни келтириб чиқаришини мумкин.

"Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимияти Шифокорлар маҳалласидаги "Саришта макон" ХУМШ раиси Шариф ТОЛИПОВга волидаи муҳтарамаси **Хуринисо опа**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган ҳолда таҳририятга келган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят бундай мақолалардан газета саҳифасида фойдаланмаганлиги учун ҳисобдор эмас.
Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.
Газета тарғиботи учун ҳажми 15 см квадратгача бўлган реклама, таъзия ва эълонлар бепул эълон қилинади.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 14 февраль 7 (557)
18260 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-103 Топширилди — 22.00
1 2 3 4 5